

**ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ШАРҚ ЯККАКУРАШИНИНГ ТУТГАН
ЎРНИ****Абдулхафизов Даврон Абитович****ТОШКЕНТ ШАХАР, ЮНУСОБОД ТУМАНИ, 240 - СОҢЛИ УМУТАЪЛИМ
МАКТАБИ 1-ТОИФАЛИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИСИ**

Аннотация Мақолада Джит Кун До жанг санъатини келиб чиқиши ва Ўзбекистонда ривожланиши ва Ўзбекистон ёшларини эришган ютуқлари ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар. Аралаш яккакураш, жанг санъати, Джит Кун До, техника.

В статье рассказывается о происхождении и развитии боевых искусств Джит Кун До в Узбекистане, а также о достижениях молодежи Узбекистана.

Ключевые слова. Смешанные единоборства, единоборства, Джит Кун До, техника.

In the article the origin and development of the martial art of Jeet Kune Do in Uzbekistan and about the achievements of the youth of Uzbekistan.

Key words. Mixed martial arts, martial arts, Jeet Kune Do, technique.

Джит Кун До - (сўзма-сўз - "Етакчи мушт йўли" 1967 йилда спортга машхур хитойлик, америкалик кино актёри Брюс Ли (1940-1973) асос солган. Турлари ва йўналишларини ўрганиб чиққандан сўнг, Брюс Ли жанг санъати бўйича ўз услубиётини яратади, ўз билимини фан, санъат, фалсафа ва ҳаёт тарзига айлантириб, уни "Джит Кун До" деб атайдди.

Брюс Ли Джит Кун До ни "усул" деб атаган, чунки унинг фалсафасига кўра, Джит Кун До ҳар қандай жанг санъатида ҳам, кундалик ҳаётда ҳам қўлланилиши мумкин. Жанг санъатининг кўплаб услублари Джит Кун До техникасида ёритилган - Ушу (асосан Винг Чун ва Тай Чи), Жиу-Житсу, Таеквондо (Жун Ридан оёқ зарбаси техникасини ўрганган), шунингдек, инглиз ва филиппин бокслари ҳақида қисқача маълумот олди. Джит Кун До принципи - рақибингиздан олдинга ўтиш. Сизга хужум қилиш учун хужумчи яқинлашиши керак. Бу ерда муштан олдинги услуб ўйнайди.

Брюс Ли вафотидан кейин мактабни филиппинлик америкалик Ден Иносанто (1937 йилда туғилган) бошқарган. У кичик Марина дел Рейда (Калифорния)

Д. Иносанто жанг санъатлари академиясига асос солган ва у ерда ДКДни ишлаб чиққан.

Брюс Лининг машхур шогирдларидан бири Ден Иносанто Джит Кун До ни оммалаштиришда муҳим рол ўйнаган. Ден ўзининг Джит Кун До арсеналига бошқа жанг санъатлари (айниқса, Муай Тай ва Бразилия Жиу-Житсу) қўшган.

Брюс Ли усули ҳар бир услубдан энг тез ва самарали зарбаларни ажратиб, турли услублар ва техникаларни умумлаштирган.

Брюс Ли вафотидан кейин мактаб байроғи дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кўтарилди.

Ўзбекистонда Джит Кун До, асосчиси Брюс Ли бўлган ушбу ноёб жанг санъатининг ташаббускори бокс бўйича спорт устаси, Миксфайт ва Филиппин жанг санъатлари устаси, Кикбоксинг бўйича 5-дан, Кемпо Карате бўйича 6-дан қора белбоғ, Таэквондо бўйича 8-дан қора белбоғ, Хап Ки-до бўйича 8-дан қора белбоғ Реал Айкидо бўйича 8-дан қора белбоғ, Туран До бўйича 8-дан қора белбоғ, жанговар Кунг-фу бўйича 9-дан қора белбоғ соҳиби ва ниҳоят, Джит Кун До бўйича 9-дан қора белбоғ соҳиби Михаил Павлович Ким эди. Михаил Павлович Ким унинг асосида Джит Кун До Ким - ДКДК деб номланган ўзига хос кураш усулини яратди.

(Джит Кун До Ким) 1995-йил 21-июн куни Тошкент шаҳрида “Ташселмаш” спорт клуби негизида Джит Кун До спорт-соғломлаштириш маркази расман очилди. Ўзбекистон Республикасида, Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Фарғона, Шахрисабз шаҳарларида ДКД бўлимлари очилди. 2002 йил 1 октябрига келиб Тошкент шаҳрида М.П. Ким, Джит Кун До спорт клуби очилди. Джит Кун До федерацияси 2006 йилда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Джит Кун До федерацияси (2006 йилдан буён) мавжуд бўлганидан бери терма жамоамиз ажойиб натижалар билан жаҳон аренасининг асосий етакчиларидан бири бўлиб келмоқда.

Айни дамда спортчиларимиз ҳисобида Жаҳон чемпионатининг 30 та олтин, 6 та кумуш ва 5 та бронза медали. Осиё чемпионатининг 15 та олтин, 3 та кумуш медали, 2 та Осиё кубоги, Европа очик чемпионатида 1 та олтин медал ва турли халқаро турнирлардан 100 дан ортиқ олтин медаллар кулга киритилган.

Шу қаторда 2020-йилнинг 25-август куни Клуб Халқаро Полиция

Ассоциацияси Ўзбекистон бўлими ва Ўзбекистон Республикаси Джит Кун До федерацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

2020-йилнинг 15-октябр куни Ўзбекистон Ашихара Каратэ федерациялари ва Ўзбекистон Республикаси Джит Кун До федерацияси ўртасида Меморандум имзоланди.

2021-йил 9-март куни Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси ва Ўзбекистон Джит Кун До федерацияси ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

2021-йил 20-октябр куни “Полвонлар миллий маркази” спорт ассоциацияси ва Ўзбекистон Джит Кун до федерацияси ўртасида жисмоний тарбия ва спорт, яккакураш ва жанг санъати соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида Меморандум имзоланди.

2021-йил 2-декабр куни Джит Кун До федерацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги дипломатик корпус – Хизматлар бюроси билан шартнома имзолади.

2013-йил 11-март куни Ўзбекистон Джит Кун До федерацияси Ўзбекистон Корейс маданият марказлари уюшмасига коллегиял аъзо сифатида кўшилди.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманининг 240 – сонли умумтаълим мактабида беш ташаббус асосида ўқувчи – ёшлар билан соғлом турмуш тарзини сингдиришда Маънавият ва маърифат ишлари бўйича тажрибали педагоглар билан ҳамкорликда таълим – тарбия жараёни ташкил этилган.

Мактабда спорт тадбирларини ташкил этишда кўпдан Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Хаджаева Атира Абдурашидовна ва Хаджанова Нигора Бахриддиновна ёрдам бериб келишмоқда.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"

2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 217 –банди ҳамда "Маҳаллаларда истикомат килувчи ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида", 2022 йил 11 апрелдаги ПК-201-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни "Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида"ги 12-сонли баёнида иккинчи ташаббус юзасидан мавжуд ва янги қуриладиган спорт иншоотларига аҳоли ва ёшларни кенгроқ жалб этиш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишни кўпайтиришда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 240 – умумтаълим мактаби маъмурияти раҳбарлигида, Джит Кун До спорти тўғрисида ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда, спорт тўғрисида раҳбари Абдулҳафизов Даврон Абитович 20 дан ортиқ мактаб ўқувчилари ва маҳалла ёшларини шуғуллантириб келмоқда. Бугунги кунга қадар, 10 дан ортиқ Республика ва Халқаро турнир чемпионлари, 15 дан ортиқ шаҳар чемпионлари тайёрлади.

2023 йилда Джит Кун До спорти бўйича катталар, болалар ва ўсмирлар ўртасида Жар спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси чемпионати ўтказилди.

Мусобақада икки нафар спортчи қизларимиз қатнашиб, 2 ўринни эгаллашди.

2023 йил март ойида Джит Кун До спорти бўйича катталар, болалар ва ўсмирлар ўртасида Жар спорт мажмуасида Тошкент шаҳар чемпионати ўтказилди.

Мусобақада спортчиларимиз фаол қатнашиб, 3 та I ўрин, 4 та II ўрин, 7 та III ўринларни эгаллашди. Умумжамоа ҳисобида 2 ўринни эгаллашди.

2023 йил май ойида Джит Кун До спорти бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Олимп спорт клубида Халқаро болалар ҳимоя қилиш кунига бағишланган мусобақа ўтказилди. Бунда 17 нафар спортчи фаол қатнашиб, жамоалар ичида умум жамоа ҳисобида 1 ўринни эгаллашди.

Барча спорт турлари ўз қоида ва принципларига эга. Лекин, Шарқ яққақурашларида фалсафа булиши шарт. Чунки, фалсафасиз жанг санъати – шунчаки кўча жангидир. Фалсафани нафақат спортда уни ҳаётда ва барча соҳаларда қўллаш

мумкин. Ёш ўғил ва қизлари спортга йўналтиришда фалсафа жуда катта аҳамиятга эга. Бизнинг клубимиз фалсафаси :

Билишни ўзи етарли эмас, ҳаракат қилиш керак.

Ҳошишни ўзи етарли эмас, меҳнат қилиш керак.

Яъни, мен олган билишимни амалда қўллай олмасам, ундан фойда йўқ, шунинг учун, мен доим ўз устимда ишлашим лозим. Ҳошишга келадиган бўлсак, мен чемпион бўлишни истайман, лекин, бунинг учун, шуғулланишим ва етарлича тажриба олишим зарур.

Ушбу фалсафа орқали ўқувчиларга мотивация бериш, ўзига ишонишга, ғалабага эришишга, мақсад сари олдинга интилишга ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда

ёрдам беради.

Шуни айтишим жоизки, Ўқувчи-ёшларимиз спорт билан шуғулланса, мактабдаги тартиб-интизом, давомат ва ютуқлар ҳам таъминланади.

Болаликдан спортга ошно бўлган одам тартиб-интизомга ўрганади, масъулиятни ҳис қилади, атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга одатланади.

Аслида мактабда ўтиладиган жисмоний тарбия фани ҳам мана шу инсоний фазилятлар қарор топишига хизмат қилади.

Мақсадим, энг аввало, Джит Кун До спортига меҳр-муҳаббат орқали миллати ва эътиқодидан қатъи назар, баркамол, маданий, маънавиятли, соғлом, байналмилал авлодни тарбиялашдир.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Интернет сайти original jeet kune do. Jkd kim.com. boevie iskustva.ru
2. Брюс Ли, Митоси Уехара. Джит Кун-До «Боевая Школа Брюса Ли» 1958г.
3. Линда Ли. Брюс Ли: Человек, которого знала только я. 1975г.
4. Дэни Иносанто. Философия и искусство Брюса Ли. 1980г.